

**К.Б.Уразов – СамИСИ профессор и,
А. Б.Файзуллаев -СамИСИ магистранти**

ҚУРУЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА ШАРТНОМАВИЙ АКТИВЛАР ХИСОБИ ВА АУДИТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Аннотация. Мақолада қурулиш ташкилотларида шартномавий активлар ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш масалалари тәдқиқ қилинган.

Калит сўзлар: шартномавий активлар, дебиторлик қарзлар, қурулиш шартномалари, бухгалтерия ҳисоби, аудит.

Аннотация. В статье исследованы вопросы организации учета и аудита договорных активов на строительных предприятиях.

Ключевые слова: договорные активы, дебиторская задолженность, строительное договор, бухгалтерский учет, аудит.

Abstract. The article examines the issues of accounting and auditing of contractual assets in entities providing construction services based on international standards.

Keywords: contractual assets, receivables, constructional contracts, reimbursable sales costs, accounting, auditing.

Корхоналарни бошқаришда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ўрни бекиёсdir. Бошқарув дастаклари сифатида уларнинг ҳар бири ўзининг аниқ мақсадига эга. Чунончи, бухгалтерия ҳисобининг мақсади бўлиб иқтисодий бирлик (корхона)нинг барча активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари, харажатлари, фойда ёки заари ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, гурухлаш, тизимлаштириш, умумлаштириш ва тегишли шакллардаги ҳисоботлар кўринишида фойдаланувчиларга тақдим этиш ҳисобланади. Аудитнинг мақсади бўлиб эса иқтисодий бирлик (корхона)нинг барча активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари, харажатлари, фойда ёки заари ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, гурухлаш, тизимлаштириш, умумлаштириш ва тегишли шакллардаги ҳисоботлар кўринишида фойдаланувчиларга тақдим этишнинг қонунлар ва қонуности хужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилганлиги хақида холис баҳо бериш ҳисобланади. Демак, ҳам бухгалтерия ҳисоби, ҳам аудит фойдаланувчиларга муҳим товар бўлган ахборотларни етказиб берувчилар сирасига киради.

Корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг энг муҳим обьектларидан бири бўлиб активлар ҳисобланади. Иқтисодий адабиётлар ва бошқа манбаларда¹, активлар категория, молиявий ҳисоботнинг элементи сифатида турлича талқин қилинган, таснифланган ва тавсифланган.

¹ Қаранг: IAS 1 “Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари; Пардаев М.Қ.Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик.- Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021 – 588 б.; Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Ибрагимов М.М. Уразов Д.К. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Дарслик, Самарканд, “Фан булоги” нашриёти”, 2022, 408 б.; Уразов К.Б. Бошқа тармокларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари: 5230900- «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талabalари учун дарслик . – Т. «ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР», 2019. – 524 б.

Юқоридаги манбаларга кўра:

***актив²** – бу корхона томонидан назорат қилинадиган ўтган воқеалар натижасида вужудга келган иқтисодий ресурс.

***иқтисодий ресурс** – бу корхонанинг потенциал иқтисодий наф олишга бўлган ҳуқуки.

***активлар** деганда хўжалик юритувчи субъектнинг баҳолаш қийматига эга бўлган ва ўз ичига пул маблағлари ва дебиторлик қарзларни олган моддий, шунингдек номоддий мулки тушунилади.

Демак, активнинг мавжудлиги тўғрисида хулоса қилиш учун қуйидаги учта шартни борлиги таҳлил қилинади:

- эгалик ҳуқуки;
- иқтисодий наф келтириши;
- назоратда бўлишлиги.

Шунингдек, актив деб тан олиш учун моддий ва номоддий мулк қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

* қийматга эга бўлиши ва бу қиймат аниқ баҳоланадиган бўлиши;

* эгалик қилиш ҳуқуқига асосан қайси корхона балансига киритилган бўлса, шу корхона томонидан назорат қилиниши;

* келгусида корхонага иқтисодий наф келтириши керак, жумладан корхонанинг пул маблағларини киримини кўпайишига бевосита ва билвосита хисса қўшиши;

* юз берган хўжалик операциялари натижаси ҳисобланиши.

Активларнинг характерли ҳусусиятларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- жисмоний қўринишга (шаклга) эга бўлиши ҳам, эга бўлмаслиги ҳам мумкин, масалан, бино ёки станок аниқ шаклга эга, лекинда патент, лицензия, савдо белгиси, муаллифлик ҳуқуки моддий шаклга эга эмас;
- сотиб олинган, бепул келиб тушган, ишлаб чиқарилган бўлиши мумкин.
- корхонада юз бераётган жараёнларда моддий асос ёки уларнинг натижаси ҳисобланиши мумкин, масалан, хом-ашё ишлаб чиқаришга моддий асос, тайёр маҳсулот эса ишлаб чиқаришнинг натижаси ҳисобланади;
- бошқа активларга алмаштирилиши мумкин;
- қарзларни тўлаш учун ишлатилиши мумкин;
- қисқа ёки узоқ вақт мабойнида фойдаланишда бўлишлиги мумкин;
- оборотда ва оборотдан ташқарида бўлишлиги мумкин.

Айрим корхоналарда у ёки функцияни бажаришига қараб маҳсус “шартномавий активлар” номли активлар ҳам пайдо бўлади. Бундай активлар шартнома шартларини бажариш натижасида маълум маблағни (пул, товар, иш, хизматни) олиш ҳуқуқидир. Бу бевосита воситачилик йўли билан ўзгаларнинг товарларини сотиб берувчи корхоналарга, яъни консигнатор ёки комиссioner тегишлидир.

² Адабиётларда ушбу атамага синоним сифати маблағлар ва мулк атамалари хам кенг ишлатилади

Шартномавий активлар - бу корхоналар ўртасида тузилган шартномага асосан тарафларнинг ўтказиладаган пул маблағи ёки товар (иш, хизмат)ларни олиш хуқуқи. **Шартномавий активлар** ҳисоби МХХС 15 “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” стандартига мувофиқ юритилади. МХХС 15 “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” стандарти 2014 йилда ишлаб чиқилга ва амалиётга 2018 йил 1 январдан бошлаб жорий қилинганд¹.

Дебиторлар – бу корхонага қарздор бўлган юридик ва жисмоний шахслар. Уларнинг корхона олдидағи қарзлари **дебиторлик қарзлар** деб аталади.

Шартномавий активлар ва дебиторлик қарзлари, бу иккала тушунчанинг бир-биридан қандай фарқи бор? Бу терминларнинг маноси бир хилми ёки фарқи борми деган саволлар бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритаётган бухгалтерларда пайдо бўлмоқда. Ушбу саволларга қуйида халқаро стандартлар асосида жавоб берамиз:

Шартномавий активлар ва дебиторлик қарзлари бир-биридан фарқли тушунчалар, албатта. Шартномавий активлар МХХС 15 “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” стандартига янги киртилган термин ҳисобланади.


Дебиторлик қарзлари эса БХХС 32 “Молиявий инструментлар: тақдим этиш” стандартига асосан шарнтома асосида сотилган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар учун томонларга тўланадиган пул маблағлари ёки бошқа молиявий активлардир. БХХС 32 “Молиявий инструментлар: тақдим этиш” стандарти 1995-йилда ишлаб чиқилган, 2003 йилда қайта ишлаб чиқилган ва амалиётга 2005 йил 1-январдан жорий қилинганд².

Шартномавий активлар ва дебиторлик қарзларини бир-биридан фарқлаш учун қуйидаги –расмни³ шарҳлашни жоиз топдик:

¹ Қаранг: <https://www.cpdbbox.com/ifrs/ifrs-15/>

² Қаранг: <https://www.cpdbbox.com/ifrs/ias-32/>

³ Қаранг: <https://www.cpdbbox.com/036-contract-asset-vs-account-receivable/>



1-расм. Шартномавий активлар ва дебиторлик қарзларининг фарқи

Шартномавий активлар:

- Талаб қилиш ҳуқуқи бор
- Товарлар ёки хизматлвр учун
- Бирон шарт бажаридиши керак

Дебиторлик қарзлариЖ

- Шартномавий ҳуқуқ бор
- Пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив олиш ҳуқуқи бор

Шартномавий активлар билан дебиторлик қарзларининг бир-биридан асосий фарқини қўйидаги хўжалик ситуацияси арқали кенгроқ ёритиб беришга харакат қиласиз:

Шартномавий активлар қандай ва қачон вужудга келади? Улар қачон ва қайси ҳужжат асосида тан олинади? Шартномавий активлар ҳисобда қандай акс эттирилади? Шартномавий активлар аудитида аудитор нималарни текширади? Шартномавий активларнинг дебиторлик қарзларидан фарқи нимада?

Қуйида ушбу саволларни «SAM AUTO STREET» МЧЖ материаллари асосида кўриб чиқамиз.


«SAM AUTO STREET» МЧЖ (бундан буён матнда «Қурулиш

ташкилоти») 2022 йил 5-май куни «PROFIT 007» МЧЖ (бундан буён матнда «Буюртмачи») билан қурулиш шартномаси имзолаган. Шартномага асосан «Қурулиш ташкилоти» «Буюртмачи»нинг худудида ишлаб чиқариш биносини қуриб бериши керак. Шартноманинг умумий суммаси 2 млрд сум. Шартномани амал қилиш муддати 2023 йил 31 декабргача қилиб белгиланган. Шартноманинг 4.1 бандида «Буюртмачи» «Қурулиш ташкилоти»га ишлаб чиқариш биноси тўлиқ қурилиб «Буюртмачи»га топширилгандан кейин тўловларни амалга ошириши белгиланган. «Қурулиш ташкилоти» 2022 йил 31 декабрда ишлаб чиқариш биносининг 60%ни қуриб бўлди. Бу жами шартномада кўрсатилган сумманинг 60% ($2 \text{ млрд} * 60\% = 1 \text{ млрд } 200 \text{ миллион}$) 1 млрд 200 млнни ташкил қиласди. «Қурулиш ташкилоти» ҳисобот даври охирида ушбу суммани дебиторлик қарзларида эмас шартномавий активларда акс еттириши керак. Чунки қурулиш ташкилоти буюртмачи билан тузган шартномасида ишлаб чиқариш биносини тўлиқ қуриб бўлгач тўловлар амалга оширилади деб кўрсатилган. Қурулиш ташкилотида “тўлиқ қуриб бўлиш” деган шартни бажариш мажбурияти бўлганлиги сабабли ушбу 1 млрд 200 млнни шартномавий активларда акс еттириши керак. Ушбу операцияга МХХС 15га асосан қуйидаги бухгалтерия ёзувлари берилади.



1-чизма. Шартномавий активларга бухгалтерия ёзувлари берилиши

Қурулиш ташкилоти 2023-йил март ойида обектни тұлық қуриб бўлди ва буюртмачига топширди. Топшириш-қабул қилиш далолатномалари ва ҳисоб варақ фактуралар томонлар ўртасида тасдиқланди. Қурулиш ташкилоти томонидан 2023-йил I чорак учун шартномавий активлар эмас дебиторлик қарзлари акс эттирилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзувлари берилади:



2-чизма. Дебиторлик қарзларига бухгалтерия ёзувлари берилиши

Қурулиш ташкилоти шартнома шартларини тұлық бажарғанлиги сабабли дебиторлик қарзларини акс эттиirmoқда. Ушбу 2 млрд сумни талаб қилиш учун хеч қандай шарт йўқ шу сабабли шартномавий активлар акс эттирилмайди. Демак, шартномавий активлар ва дебиторлик қарзларининг бир-биридан асосий фарқи бирон бир шарт бажарилиши ёки бажарилмаслигига боғлиқ экан.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда амалда бўлган 21-сон БХМСда³ шартномавий активларни ҳисобга олиш тартиби маҳсус белгиланмаган, чунончи унда мазкур қопламалар ҳисоби учун мўлжалланган маҳсус счёtlар тизими ҳам назарда тутилмаган. Шартномавий активларни соликқа тортиш амалиётида ҳам яхлитлик мавжуд эмас.

Шартномавий активларни тизимли ҳисобини юритиш ва назоратини олиб бориш учун, бизнингча, 21-сон БХМСда назарда тутилган5920 “Бошқа жорий активлар” счетлар тизимида маҳсус 5921 “Шартномавий активлар” счетини назарда тутиш мақсадга мувофиқ. Ушбу тавсия этилаётган счёtnинг дебитида шартномавий активларнинг келиб тушиши акс эттирилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Чунончи, шартномавий активлар билан боғлиқ операцияларга қуйидагича бухгалтерия ёзувлари берилиши лозим (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Шартномавий активлар билан боғлиқ операцияларга бериладиган бухгалтерия ёзувлари

№	Операция мазмуні	Дебет	Кредит	Сумма
1	Шартномавий активларнинг вужудга келиши	5921	6010, 6990, 6710,6520, 6410, 5110 ва бошқалар	6 940 000
2	Шартномавий активларнинг қопланиши (келиб тушуши)	5110	5921	6 940 000

Шартномавий активлар даромад келтирмайды. Шу боис, ушбу активлар ҚҚС ва фойдасолиғига тортилмаслиги лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шартномавий активлар қурулиш ташкилотларида ўтказиладиган аудитнинг энг муҳим обьектларидан бири ҳисобланади. Ушбу обьектни куйидаги кетма-кетликда ва тартибда аудитдан ўтказиш, бизнингча етарлича самара беради (2-расмга қаранг).

Шартномавий активларни вужудга келишига олиб келувчи шартномаларнинг мавжудлиги, уларнинг меъерий-хукуқий асосийлигини текшириш



Шартномавий активларни вужудга келишига олиб келувчи операцияларнинг ҳақиқатда юз берганлигини ҳужжатли текшириш



Қопламалар кўринишидаги шартномавий активларни тўлаб беришга асос бўлувчи авизовкаларни косгигнант ёки комитетнга ўз вақтида тақдим этилганлигини текшириш



Қопламалар кўринишидаги шартномавий активларни косгигнант ёки комитетдан ҳақиқатда келиб тушган суммасини, тўланмасдан қолган суммасини ҳисоб ва ҳисботда реал акс эттирилганлигини текшириш

3-расм. Шартномавий активлар аудитининг кетма-кетлиги

Фикримизча, қопламалар кўринишидаги шартномавий активлар

Хисобини юқорида келтирилған тартибларини меъёрий-хуқуқий ҳужжаттарга киритиш ушбу операцияларни қурулиш ташкилотларида яхлит тарзда қўллаш, шунингдек, бу мазкур операциялар аудитини яхлит услубда амалга ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.БХМС 21 Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома"Ўз.Р АВ томонидан 12.11.2003 й. 1181-1-сон билан рўйхатга олинган
- 2.IAS 1 “Молиявий ҳисботнинг коцептуал асослари;
- 3.Пардаев М.Қ.Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик.- Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи””, 2021 – 588 б.;
- 4.Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Ибрагимов М.М. Уразов Д.К. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Дарслик, Самарканд, “Фан булоғи” нашриёти”, 2022, 408 б.;
5. Уразов К.Б. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари: 5230900- «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талабалари учун дарслик . – Т. «ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР», 2019. – 524 б.